



Бу—юкорида кайд этиб ўтганимиздай, биз одатланган аник назаргох,—макон ва замон меъзонларига сигдириб бўлмас, гайри шуурий тарзда, рухоний хилкатда содир этиладиган, том маънода илохиёна-фазовий мулокотдир. Бундай гаройиб жараён, не ажабки, улуг шоир-мутафаккир тимсоли мужассами (образи)нинг кутилмаган бир вазиятдаги, шунчалар «хакиру факир», гояти шикаста хол ахволи рухияси — биринчи кутб бўлса, иккинчи кутб, аксинча, мислсиз ва ададсиз раббоний кудрат: «алимул-азим» Зулжалол (улуглар улуги). имкониятлари нихоясиз, дахлсиз мутлакият оламини тасарруф этадики, бу хақда ўйлаганда «акл боши айланади» (Навоий). Бу икки кутб мулокотини зохи-ран, шартли равишда, фактат мавжвар уммону — нажотсиз катра ёхуд сарҳадларсиз коиноту фоний-ўткинчи лахза-мухлат ичидаги бор-йўклиги нотайин омонат зарра билан мукряса килиш мумкин... Бундайин улуг тафовутли сухбат-мулокот асносида «барчани йўқдан бор» килгувчи Холику кодир-бирламчи омил — «таянч нукта» бўлса, унинг мажозий сухбатдоши-шоир «мен»и (гарчанд бизнинг субъектив тасаввуримиз бўйича, бу зоти ки ромнинг рухий хилкатида мислсиз дахолик мўъжизаси, сўз сеҳргарига хос фавқулодда салоҳият зимдан сезилиб турса-да, на чораки, ўз мусоҳиби кархисида зохиран киёслаб бўлмас даражада ожизу нотавондир... Шунга карамай, хазрат Алишер ўзини фидо килишга тайёр «улуг муддао» олдида ўртадаги ўзаро нисбатлаб бўлмас тафовутни шундай мукобил тимсоллар оркали ифодалашга журъат топади:

— Кодиро!.. Ул заифи осиймен —  
Ки, бошимдин оёқ маосиймен...  
Улки, сенек бошимда Холикдур,  
«Мен» демаклик... не бехаёликдур!?

Беихтиёр савол тугилади: нега энди «шоирлар шоири, мутафаккирлар мутафаккири, валийлар валийси» килган муножотда бу кадар мужримона узроҳхилклар («бошдин-оёқ маосиймен» —гуноҳлар мажмуидирман), хамин кадар тўзимсиз оху фарёд, рухий изтироб бор?.. Зиддиятлар шиддатини кўринг: «Барчадин шариф» инсонни яратгувчи, алал-хусус, унинг азизу мукаррамлиги хакки, мўъжизалар мўъжизаси — Сўзни кашф

этгувчи («Сўз келиб аввал, жаҳонсўнгра...», «Хайратул-аброр»дан) ул Холикул кудрат олдида ўзи бунёд этган мўъжизоту ажойибот олами — уммон каъридан асл «дурри самин» — «маъни гухари», «сўз гухари»ни ахтариб топишга журъат этиш, шу хайрли химмат — жасорат самари ўларок, дунёда тенги, нисбати топилмас шеърий девонлар, улуг маснавиёт — достонлар яратишдек комронлик муроди... — хаммаси «маломат булбули», хакиру бенаво Навоий кўнглида, унинг «замон ва ахли замон» жабру андухи, вафосизлиги олдида... чиндан хам бехуда — абас бир холдир, балким?!.. Бундайин пурдард зиддиятли хаёллар замзамасини, иштибоҳ-изтироб туйгулари түгёни ва поёнини бир кадар умумий тарзда тасаввур килиш ўзи осон эмас. Зотан, Ҳак таоло билан ориф инсоннинг гойибона-рухоний мулокоти... факат набиуллоҳу валиуллоҳ зотларга мушарраф, ноёб бир баҳтдир. Не ажабки, ҳазрат Навоий кечирган бундайин ширин изтироб—азобли ўйлар бизга сирли, номаълум руҳий ришталар — илохий робиталар оркали бogganmaganiqin?!

... Нафси амморага ё бўлдум асир?!  
Мен нетай, гар сендин будур тақдир?..  
Сен ёмон айласанг, мени, не хад,  
Айламак сендин ўлгон амрни рад?..

Магар охир-окибат, мудом ўша ададсиз нолавор муножотдан, зохиран нажотсиздай тюолган руҳий илтижодан, ҳар калай, навмидлик туйгуси улуг зотларга шоён эмас...

Яҳшилик килки, нотавонингмен,  
Ямон ўлсам, Сенинг ёмонинг — мен.  
Менга не хад демак Сенгаки: «Не кил»,  
Неки бўлгай санга ризо — они кил!..  
Бу янглиг, моддий назаргоҳ — «олти жихат» чегараларини енгиб ўтган, гайришуурий холатдаги сухбат-мулокот тарзидан катъи назар, аслида «ўз вужудига тафаккур айлаган»

Караминг ганжи — юз жаҳон чоглик,  
Бахри фазлинг — минг осмон чоглик...  
Ё раб! Ошуфтамен, фигонима ет,  
Карам айлаб, хатоларим афв эт!..

Биргина охирги мисрада зухур этган: «Карам айлаб, хатоларим афв эт!» муножот сўзларининг ахлокий ибратини, биринчи навбатда, ахли табъ-фузалою зурафо, зиёли зотлар, жумладан, бугун эл-юрт ардогидаги шоир-адиб, олиму мунаккидлар «ўз вужудларига тафаккур айлаб» кўрсалар эди! Канийди?!.. Юкоридаги банд шархига кайтамиз: ха, пири комил Нуриддин Абдураҳмон Жомий ифтихор или таъриф килганидай, ҳазрат Алишернинг исломий эътиқод-эътимоди шунчалар юксак макомда эдики, Аллоҳнинг «карами ганжи», «бахри фазли» баро-барида, унинг марҳамат ва магфират нури хам хадсиз-ададсизлигини бор вужуди, калби, руҳиятила англаб етган, идрок этган эди... Шунинг учун хам биз сўз дахосининг игрок, каби маҳсус муболага усулидан самарали фойдаланганидан хеч ажабланмаймиз:

Юз жахон журмум (гунохим) ўлса хам — не бок?  
Бахри афвинг кошиндадур — хошок.  
Хаста кўнглум ишига сомон (чора) эт,  
Талабинг дардини анга дармон эт!..

Шу тариқа, Ҳак марҳаматидан умид ва нажот топган, сувратда шикаста хол, нотавону бесомон, сийратда мислсиз ирода сохиби—улуг мутафаккир кўнглидаги, эҳтимолки, бизга зохи-ран иштибоҳли туюладиган маҳзуну ҳазин кайфият ўша руҳий-самовий мулоқрт жараёнининг аввалги холатидан аста-аста кўтарила, тарқала бориб, яна «Тангри эҳсони» бўлмиш яратиш дарди, рагбати самари — «буюк муддао» изланишлари уни батамом банд этади...

Манга Тенгридин бўлди рўзи ком —  
Ки, ҳар ишгаким айладим эҳти мом (киришмок).  
Кўруб Тенгри лутфин фалак чоглик,  
Нечук килмай ўтруда туфроглик?!...

Бунингдай кутлуг ва улуг баҳт — «рўзи ком», «ҳар ишга» кушойиш баҳш этувчи илохий Кудрат ўзи ёр, малоикаю фаришталар, руҳлар — увайс (ўтган) ва мудом ҳамнафас пирлар мададкор бўлгани учун ҳам бамисли «кунда юз байти ҳалво» бўлган, шавку рагбат жўш урган ижодий жасорат кайфияти-ла ҳазрат Алишер (унинг мажозий қаҳрамони — мутафаккир-шоир тимсоли) энди ортиқ хоксорлик — «туфроглик» холатини кечирса не ажаб?..

...Неча шукрига сажда хилсам нажанд (куйи) —  
Мени чунки (ҳак) айлар фалакдин баланд!..  
Улуг комлардин эдим баҳтиёр —  
Ки йўқ эрди анда манга ихтиёр!..

Ва нихоят, ўша бехад шукронга туйгулари мантикан изҳори ифтихор — фахрия заминига айланади, айни чогда, бу яна зиёдрок илхомий холатга бадал бўлади — янги ижодий изланишларга ундейди. Шу тарзда аста-аста «улуг муддао» — шоҳ, асарлар бунёд этиш истак-иштиёки шоирнинг борлигини банд этади:

Не майдон аро сурсам эрди саманд,  
Ҳавосин кўнглум килмас эрди писанд.  
Бу андешадин эрди кўнглумда шайн (гашлик) —  
Ки бўлди кўнглум мойили — «Ҳамсатайн»...

Илло, устоз салафларнинг улуг «Ҳамса»лари («Ҳамсатайн») факат мазмун-маъно ва кадр-баҳода нисбати йўқ. достонларгина эмас, балки ўзининг худудий микёсила «икки жахон» моҳияти ва сабабиятидан баҳс килувчи тақдир китоблари, беназир бадиий солномалар эдики, улар кўтарилган улуг мартаба макомидан туриб, Навоийнинг «Алишерий» тахайюл ва тахайюр кўзгусида янги мўъжизоту гаройиботоламини, жумладан, дунёвий ажойибот мулкини кашф этди:

Чу машгул ўлдум тамошосига,  
Ўтуб води-ю тогу дарёсига...  
Жахоне кўрунди кўзумга нихон,  
Нихон, балки, хар байти ичра — жахон.  
Каю гўшаким нозир ўлдум даме,  
Назарга эди жилвагар оламе...

На хуш ва не хайратки, Хак насиб айлаган ўша «рўзи ком — улуг муддао», эзгу мурод хосил бўлмоги энди ортик шубхага ўрин колдирмайдиган нафакат самарадор, айни равнак боскичига кўтарилигган, балки мавжвару пурвикор пардага кирган гаройиб дамларда хам, табиийки, яратиш дарди-ю шавки — факат улуг шоир ўзи биладиган нурли азоблари, изтиробли сурури хазратни бир нафас тарк этмаган:

Килиб бу даъвою лофиини хам.  
Согиниб бурун дер газофим (бехуда ўйлар)ни хам,  
Уятга солиб бўйла холат мени.  
Халок айлабон хижолат мени...  
Гахе дебки: «Йўк дахли имкон мунга,  
Тасарруф кала олмок инсон мунга.  
Ўзимдин ишим яъси (навмидлик) жавид ўлуб,  
Ишимдин кўнгул доги навмид ўлуб...

Факат даҳо санъаткорлар ўзларича кечириб ёхуд нуктадон билимдонликда мураттабу хассос тадқиқотчилар ўзларича мушоҳада ва идрок эта оладиган бундок гаройиб хол: дам-ижодий юксакликлар сари кўтарилиш, дам гўёки унумсиз тушкин кайфият; гоҳ улуг зафарларга мушарраф бўлмокка комил ишонч туйгуси, гоҳ, аксинча, ўзига ишончсизлик, иккиланиш—иштибоҳ зиддига, нафакат миллий тафаккур жавлонгоҳининг марди майдони, туркий «тил лашкарининг пахлавони», балки «фасоҳат мулкининг соҳибқирони», тиниму ором нималигини билмаган буюк заҳмат-кашнинг азалий ва ногахоний зиддиятлардан холий бўлмаган шахсий хаёти ва ижтимоий фаолиятида... ўзига хар дам, хар жойда ёлгиз Аллоҳни ёру нажоткор, Калам маъбуди Аторудни ва барча пири комил зотларни рухий мададкор билиб, мудом ижод, яратиш дарди, шавки — рагбатига содик қрлди...

Мана хамишалик таомил деб билгани — холисона хаконийлик, халкона зиддиятли хикмат «(яхши-ёмон)» или жозиб, анде-ша ва самимият жавхари-ла йўгрилган бошка бир банд:

... Хам ёмоним лутф ила яхши кил,  
Бўлди чу ул яхши — кабул айлагил.  
Яхши гар ўлмаса, ёмон хам эмас,  
Ёмонин ким яхши бўлса... демас?

Истеъдод кудрати, ижодкор шахсининг улуглиги шундаки, у ижодца хамиша халолликни холисона хукмни дастурил-амал деб билади, содир этиладиган хато-нуксонтарни кўриб-билиб тургувчи олий Хакам, энг улуг мунаккид хам Аллоҳнинг ўзидир; бас, Навоийнинг ижодий эътакоди ва эътимоди—Хакнинг иноят ва хидоят йўлидир:

...«Хар не килким варакка ё'зи бу кун —  
«Килки такдир» ёзмиш эрди бурун...  
Сен не ёздинг — ани ракам килдим,  
Шак эмасдурки, сахв хам килдим...

Айни шу холисанлилло муносабат — хакикат ва самимият пардасида мусулмони комил  
(«одамийлар оламийси»)нинг, майли, иштибохли икрори — «сахв хам килгани»...  
мантикан хазрат Навоийнинг х.али навкирон йигитлик йилларидаёк. кўнглига битган  
«улуг муддао» йўлида янги музофтар манзиллар шукухи, том маънода юксак мукофот  
— шоир «сўзи»нинг «овоза»си яна-да баравж, «юз»нинг яна-да ёруг бўлишига  
умидворлик, комил ишонч омилига айланади:

Илохий!.. Бокмагил — мажнунлигимга,  
Карамдин чора кил маҳзунлигимга..  
Иноят айнидин хомам сари бок,  
Кизил айла — юзум, номамни хам ок.  
Юзум лутфинг суйидин тоза килгил,  
Сўзум кўсин баланд овоза килгил...  
Майи нуткум тарабхез айла, ёраб,  
Найи килким шакаррез айла, ёраб!

Бу — «муножот» шакли — андозасида зухур этган, аслида улуг ижодхонага ўзгача  
файзу викор, илохий мохият, чинакам рухий-рухоний салохият, пурмаъно фалсафий  
киммат, Навоийнинг бадиият, санъат — Сўз хазинасига бирламчи жозиба — мантикий  
кувват бахш этади...

Ботирхон Акрамов